

МУСТАҚИЛЛИК МЕНИНГ
ТАҚДИРИМДАВАТАН ХИЗМАТИГА
ШАЙМАН

Киндик қони томган тупрокнинг нечоғли бебаҳо, тенгсиз эканлигини чин юракдан ҳис қилмоқ, шу юртни, шу Ватанни эъозлаб, ардоқламоқ эса бахт. Унинг тинчлиги, осойишталиги йўлида хизмат қилишдек шарафли вазифани адо этиш бахтига мушарраф бўлганимдан фахр ҳиссини туяман. Негаки, Ватан – бу она, унга хизмат қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Юртимиз истиклолга эришгач кўплаб ютуқлар кўлга киритилди. Кўриб кўз қувонадиган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жаннатмакон Ватанимиз янада чирой очди. Айниқса, ёшларга эътибор кучайтирилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.



Мен ҳам мактабни битиргач, ҳужжатларимни Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясига топширдим. Интилишларим ўз самарасини берди. Шундай нуфузли олий

масканининг тингловчиси бўлганимдаги севинчим, ҳаяжонларимни таърифлаб беролмайман. У ердаги устозларимдан ўрганганларим, биз тингловчиларга яратилган шарт-шароитлар, давлатимиз томонидан кўрсатилган гамхўрликларни оқлаш эса биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Андижон вилояти ИИБ ЭКБда хизмат фаолиятимни бошлаганимга ҳам ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо устозим майор Дилшодбек Қодировнинг йўл-йўриқлари, кўмаклари, беминнат маслаҳатлари туфайли касбимни янада мукамал эгаллаб бораёпман. Биз ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, порлоқ келажагимиз сари йўл очиб бераётган юртга, озод ва обод Ватан осойишталиги учун хизмат қилишдан гурур ва ифтихор ҳиссини туяман.

Жинойтларни фош этишида мен танлаган касбнинг нақадар зарурлигини юрак-юракдан ҳис этган ҳолда ўз билим-маҳоратларимни ошириб бораёпман. Зеро, жонажон халқимиз осойишталиги йўлида хизмат қилиш ҳар бир йигит учун катта бахтдир.

Фаррухбек ЁКУБОВ,
лейтенант.

Андижон вилояти.

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ



Пойтахтимизнинг Бектемир тумани ИИБда устоз-шогирд анъанаси намунали йўлга қўйилган. Ёшларнинг соҳада катта тажриба тўплаган ходимларга бириктирилиши, улардан хизмат сир-асрорларини ўрганаётгани ўз самарасини бермоқда.

Суратда: туман ИИБ тергов бўлими бўлинма бошлиғи, майор Фахриддин Тулаганов (чапда) шогирди, терговчи, лейтенант Уткир Чиналиевга тегишли маслаҳатлар бермоқда.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

ТАРАДДУД

ЭЛУ ЮРТ ТИНЧИНИ ЙЎЛАБ...

Асосан чорвачилик ва пахтачиликка ихтисослашган Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси иқлими оғир шароитда яшашига қарамай, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда сезиларли ютуқларга эришаётгани уларнинг том маънода матонат эгаси эканликларини билдиради. Худудда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик халқ фаровонлиги ва юрт ободлигини таъминлашда асосий омил бўлмоқда.

Тинч ва осуда меҳнат завқи жўш уриб турган юртга байрамлар ярашади. Энг азиз ва улуг айём – мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллигига саноқли кунлар қолди. Республика ИИБ раҳбарияти томонидан белгиланган чора-тадбирлар асосида мазкур санага қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Фуқаролар

хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жинойтчиликнинг олдини олиш мақсадида паспорт тартиботини текшириш ҳамда ноқонуний сақланаётган ов қуролларини аниқлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Профилактик ҳисобда турган ва маъмурий назоратга олинган шахслар билан суҳбат

ўтказиш, зарур ҳолларда уларга ёрдам кўрсатиш ҳам тегишли идоралар билан ҳамкорликда йўлга қўйилган.

Байрам тадбирлари ўтказиладиган маданий масканлар Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСБ ходимлари томонидан назоратга олинди, оммавий тадбирлар хавфсиз ва кўнгилли ўтиши учун барча зарурий чоралар кўрилди. Маълумки, тантаналарни томоша қилиш учун чекка туманлар, шаҳар ва қишлоқлардан кўплаб одамлар ташриф буюришади. Бунини инобатга олган йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари транспорт ва йўловчилар ҳаракатини тартибга солиш, йўл белгилари бўлиши, йўлчи-

роқлар узлуксиз ишлаб туришини таъминлашмоқда. Байрамга жамоа бўлиб ташриф буюрадиган меҳнат фахрийлари, маҳалла ва овулларнинг фаолларини автобусларда кузатиб келиш ва олиб бориб қўйишга ҳам эътибор қаратилган. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари эса шодиёналар ўтадиган жойларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини ўрганиб чиқишди.

– Маълумки, оқшом чоғидаги тантаналар пайтида кўча ва хиёбонлар нафақат жимжимдор чироқлар ёғдуси, балки қувончдан юзларида табассум порлаган одамлар билан файзли бўлиб кетади. Ходимларимиз бундай масъулиятли паллада хизматни кучайтирилган тарзда олиб бо-

риш учун бор имкониятларни ишга солишади. Қисқа қилиб айтганда, эл-юрт равнақи, ободлиги, тинчлиги ва осойишталигини мазмун-моҳияти билан дунёга намоеён қиладиган бу қутлуғ айёмни кўнгилдагидек ўтказиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар масъулиятли ва залворлидир, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ШТБХХ бошлигининг ўринбосари, подполковник Фарҳод Санкибаев.

Бу шарафли вазифани бажаришга бел боғлаган ҳар бир ички ишлар ходимининг қалби фахр ва ифтихор туйғусидан тўлқинланиши табиий.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.
Қорақалпоғистон Республикаси.

Милиция ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган мақсадли ишларни янада кучайтириш муҳим вазифалардан бири бўлмоғи керак.

Ислон КАРИМОВ.

Маълумки, ҳар қандай ходимнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясининг таъминланганлиги унинг иш самарадорлигининг ошишида ғоят муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда ички ишлар идоралари ходимларини рағбатлантириш, уларнинг ҳуқуқий-ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз деб ўйлайман.

Ўз хизмат вазифасини бажаришга сидқидилдан ёндашиб, барчага ўрнак бўлиб келаётган ишчан, ташаббускор ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2009 йилнинг ўтган даври мобайнида фидойи ходимларимиздан 1 нафари “Фи-

ўтган даври мобайнида хизмат вазифасини бажариш вақтида вафот этган ходимларнинг оила аъзоларига ҳамда оғир ва ўртача тан жароҳати олган ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш бўйича 24 та мурожаат кўриб чиқилди ҳамда жами 116 млн 400 минг сўмлик бир йўла бериладиган нафақа пуллари расмийлаштириб берилди.

Шунингдек, турли хайрия тadbирлари ўтказиб, улардан тушган пул маблағлари ҳисобидан хизматни ўташ пайтида ҳалок бўлган ходимлар ҳамда боқувчисини йўқотган оилалар, тиббиёт муассасаларида даволанаётган ходимлар, узоқ йиллар самарали хизмат қилган нафақадаги пенсионерларга моддий кўмак берилди. Жумладан, вазирликнинг Ашула ва рақс ансамбли жамоаси ИИВ олий таъ-

террорчилар ва жиноятчиларга қарши кураш пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг оилаларига топширилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган 240 нафар ички ишлар фахрийларининг ҳар бирига Президент Фармони билан ажратилган 60 минг сўмдан пул мукофоти, Ички ишлар вазирининг эсдалик совғалари топширилди. 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан эса “Ватан” хайрия жамгармаси томонидан Юнусобод туманида жойлашган “Тошкент ленд” истироҳат боғида, “Sen yolg'iz emassan” хайрия жамгар-

Долзарб мавзу

маси томонидан Навоий номли Давлат академик катта театрида ўтказилган тadbирда хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг 186 нафар фарзандларига совға-саломлар улашилди.

Республика ИИВ ШТБХ ва Хотин-қизлар кенгаши вакилла-

қилиб, бу борадаги эзгу ва хайрли ишларни такомиллаштиришимиз керак.

Шу ўринда хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг оилаларига бир йўла бериладиган нафақа миқдорини белгилашда меъёрий ҳужжатларимизни такомиллаштириш зарурлигини айтиб ўтиш жоиз деб ўйлайман.

Пенсия тайинлаш ҳамда солиқ тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига бир қанча имтиёзлар берилган. Ушбу имтиёзларни хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг оила аъзоларига ҳам қўллаш юзасидан тегишли қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилса, нур устига аъло нур бўлар эди. Шу жумладан, элу юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида жон фидо этган ходимларнинг фарзандларини мамлакатимизнинг тегишли олий таълим муассасаларига ўқишга ки-

ридан бўшатишни маъқул кўрмоқдалар. Оқибатда не-не умидлар билан олий таълим олиб (бунга давлатнинг қанча маблағи сарфланган), бир неча йилдан буён ички ишлар идораларида ишлаб келаётган ходимнинг тақдири шу тахлит шошма-шошарлик билан ҳал этилмоқда. Бу ходимнинг ортида кекса ота-онаси, вояга етмаган фарзандлари борлиги бундай раҳбарларимизни ташвишга солмаяпти.

Ходимларимиз Ватан тинчлиги, эл осойишталиги йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демасдан жонбозлик кўрсатиб фаолият кўрсатмоқдалар. Шундай экан, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, уларга самарали хизмат қилишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш долзарб вазифалардан саналади. Барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, бунинг уддасидан чиқа олсаккина, ходимларимиз олди-га қўйилган масъулиятли вазифаларни шараф билан адо этишларига имконият яратиб

ИЖТИМОЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ — УСТУВОР ВАЗИФА

докорона хизматлари учун” ордени, 6 нафари II даражали “Шон-шараф” ордени, 1 нафари “Меҳнат шўхрати” ордени, 6 нафари “Жасорат” медали, 5 нафари “Содиқ хизматлари учун” медали, 5 нафари “Шўхрат” медали билан тақдирландилар. Шунингдек, юздан ортиқ ходимлар вазирликнинг «А'ю хизматлари учун» кўкрак нишонни, “Фахрий ёрлиғи” ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар. Бундан ташқари бир ярим мингга яқин ходим ҳар чорак якунига кўра моддий рағбатлантирилиб борилмоқда. Бу эса уларни жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш борасида янги муваффақиятлар сари руҳлантириб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов “Биз барчамиз эл-юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги йўлида ўз ҳаётини бағишлаган милиция ходимларининг хотираси ва руҳи олдида умрбод қарздормиз, уларнинг оиласи, фарзандлари донмо халқимиз, давлатимиз эътиборида бўлади” деб таъкидлаганларидек, биз Ватанимиз тинчлиги, элимиз осойишталиги йўлида жон фидо этган ходимларимизнинг оила аъзоларига ҳамisha ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам беришимиз керак. Шу боисдан вазирлик раҳбарияти ҳамда жойлардаги ички ишлар идоралари масъул ходимлари томонидан шахсий таркибни ижтимоий ҳимоя қилиш, турли байрамлар арафасида фахрийларимизнинг ҳамда тиббиёт муассасаларида даволанаётган ногиронларнинг ҳолидан хабар олиш, хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. 2009 йилнинг



лим муассасалари, Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисмлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга ижодий сафарларга чиқиб, уюштирган хайрия концертларидан тушган 37 миллион 384 минг сўм миқдоридagi маблағнинг 14 миллион 737 минг сўми концерт якунида санъаткорлар томонидан хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари, узоқ йиллар самарали хизмат қилган ногирон ва фахрийларимизга топширилди. 22 миллион 647 минг сўм миқдоридagi маблағ эса келгусида ижтимоий мақсадларда фойдаланиш учун вазирлик ҳисоб рақамига ўтказилди.

“9 май – Хотира ва қадрлаш куни” муносабати билан пойтахтимизнинг “Истиқлол” санъат саройида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида ўтказилган хайрия концертидан тушган 42 миллион сўм маблағ Мудофаа вазирлиги вакиллари ҳамда жойлардаги масъул ходимлар билан биргаликда, му-

ри биргаликда пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида жойлашган Меҳрибонлик ва Меҳр-муруват уйларига бориб, ушбу муассасаларда тарбияланувчи, кўнгли ўксик болажонларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Байрам кунлари кам таъминлаган оилалар, фахрийлар ва ногиронларнинг ҳолидан хабар олиш, уларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш каби эзгу ва савобли ишлар бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда.

Дарҳақиқат, хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам бериш, ижтимоий таъминлаш масалаларини яхшилаш чора-тадбирларини кўриш биз – тириклар учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Аммо бу борада қилинган ишлар ҳали етарли эмас, ходимларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-маиший шароитини яхшилаш борасидаги ишларни янада жонлантиришимиз зарур. Юртбошимизнинг “Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак” деган ибораларига амал

ришларига имтиёзлар яратиб бериш борасида ҳам тегишли норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилса айна муддао бўларди. Қолаверса, ички ишлар идоралари ходимларининг ойлик маошларини ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маошларига тенглаштириш масаласини ҳам ўйлаб кўриш зарур.

Муҳтарам вазиримиз генерал-лейтенант Б. Матлюбов ҳар бир йиғилишда таъкидлаганларидек, шахсий таркибнинг ижтимоий-маиший шароитини яхшилаш, улар билан ИИВнинг тегишли буйруқлари талаблари асосида яқка тартибдаги тарбиявий иш олиб бориш, мураббийлар ролини ошириш, хизмат интизомини бузган ёки бузишга мойил ходимларни ахлоқ-одоб ва интизом судларида муҳокама қилиш уларни тарбиялашда яхши натижа бериши шубҳасиз. Афсуски, жойлардаги баъзи раҳбарлар ушбу усуллардан самарали фойдаланиш ўрнига, қўл остидаги ходимлар бирор интизомбузарлик содир этиб қўйган бўлса, дарҳол унга нисбатан хизмат текшируви ўтказиб, ички ишлар идорала-

берган бўлар эдик.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида”ги Қонуни 1990 йил 31 октябрда, Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар идоралари ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори эса 1996 йилда қабул қилинган эди. Орадан қарийб 15-20 йил вақт ўтди. Бугунги кеча-кундузда ходимларимиз жонларини қурбон қилиб бўлса-да, элу юрт тинчлигига раҳна солувчи диний экстремизм, терроризм ва бошқа бузғунчилик ҳаракатларини барта-раф этишаётгани барчага аён. Ҳаламис кимсалар томонидан ҳамкасбларимиз ҳаётига тажовуз қилиш, уларга тан жароҳати етказиш ҳолатлари учраб турибди. Ушбу ҳолатларни инobatга олиб, “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида”ги Қонунга ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги Қарорига тегишли кўшимча ва ўзгартишлар киритиш ёхуд бу борада янги меъёрий ҳужжатлар қабул қилишнинг вақтисоати етди деб ўйлайман.

Ички ишлар идораларида кўп йиллар хизмат қилиб, катта амалий ва ҳаётий тажрибага эга бўлган ходимларимиз ҳам бу борадаги ўз фикр ва мулоҳазаларини газетамиз орқали баён этсалар ҳамда ходимларимизнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш билан боғлиқ тегишли меъёрий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилишида бу фикрлар инobatга олинса, кўнгиладигдек иш бўлар эди.

Зикрилло НЕЪМАТОВ,
полковник.

ВАТАН ЎГЛОНЛАРИНИ УНУТМАС

... 2004 йил 30 март. Қибрай тумани ҳудудидаги «Қорамурт» блок-постида хизмат бурчини бажарётган ходимларга яқин атрофдаги маҳалладан сумалак олиб келишди. Барча баҳорнинг табаррук неъматидан татиб кўришга ошиқарди. Катта сержант Зоитбек Аҳмедов йўлдаги автомобиллар қатновини назорат қилаётгани боис, ҳамкасбларига кейинроқ боришини маълум қилди.

Орадан бир оз вақт ўтиб «Тико» русумли автомашинада икки нафар қуролланган кимсалар борлиги маълум бўлди. Дарҳол ўша томонга югурган ходимлар қаттиқ портлаш зарбидан анча нарига бориб тушишди...

НОМИНГ ДИЛЛАРДА МАНГУ...

Ўша машғум кунни эсларкан, «Жасорат» медали соҳиби, катта сержант Воҳид Саъдуллаевнинг чеҳрасига изтироб соя ташлади:

— Мен, Зоитбек, Азиз деган йигит учаламиз тургандик, — дея хотирлай бошлади. — Зоитбек яна ўн беш дақиқа турай, биратула навбатчилигимни тугатиб бораман, деди. Шу пайт постга «Тико» келди. Унда ҳайдовчи билан тўрт киши бор эди. Замонавий, башанг кийинган икки йигитчани олдинга талаба деб ўйладим. Лекин бизни кўриши биланоқ улар безовталана бошлашди. Кўнглимизда шубҳа пайдо бўлди. Дарҳол ҳайдовчи билан бир йўловчини салондан чиқариб, иккала йигитни ушладик. Азиз бирини, Зоитбек иккаламиз кейингисини ушлади, кўлини орқага қайирмоқчи бўлдик. Шунда йигитчалар бир-бирига қараб кўйлақлари ёқасини силкитди. Шу онда улар белидаги портловчи модда ҳаракатга келиб, мен анча нарига бориб тушдим. Ҳушимга келгач, билсам Зоитбек билан Азиз ўша ондаёқ ҳалок бўлган, тер-

рорчининг мен томондаги гранатаси портламай қолган экан.

— Зоитбек ака жуда жонқуяр инсон эди. Очиққўнгил, ҳазил-мутойибани яхши кўрарди, — дея хотирлайди катта сержант Миनावархўжа Музаффаров. — Касбига жуда меҳр қўйганди. Бир кун Зоитбек акага энгилроқ бўлсин деб, Чинобод нефть базаси соқчилигига жўнатишди. Орадан бир ой ҳам ўтмай «қийин бўлсада, ўз ишим яхши» деб, қайтиб келди. Чарчаган ёки бирор нарсдан хафа бўлсак, кўнглимизни кўтаришни, чарчоқ чиқаришнинг турли йўллари йўлаб топар, кайфиятимиз жойига тушмагунича тинчимасди.

Қибрай тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими бошлиғи, капитан Ёқуб Абдуллаев бошчилигида Зоитбек аканинг уйига бордик. Дарвозани ўсмир болакай очди. У оилалаги ўртанча фарзанд — Рустам экан. Бизнинг нима мақсадда келганимизни эшитиб, Зоитбек аканинг турмуш ўртоғи Назипа опанинг чеҳрасида ҳам мамнунлик, ҳам қайғу акс этди. Хурсандлиги сабаби орадан беш йилга яқин вақт ўтса-да, ҳам-



билан бирга ўтган ширин кунлар хотираси жонланди шекилли, Назипа опа бирпас жим қолди. Сўнг мижжаларини арта туриб:

— Менга оғир иш қолдирмай, ҳовлида ҳам доим ўзлари куймаланиб юрардилар. Ишдан чарчаб келдингиз, бирпас дам олинг, десам, «болаларим билан озроқ ўйнасам ҳамма чарчоқларим чиқиб кетади, деб кулиб кўярдилар», — дейди чуқур хўрсиниб.

Хайрлашаётганимизда Назипа опа:

— Тошкент вилояти ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси, Қибрай тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлинмасидагилардан жуда миннатдорман. Ҳар байрамда табриклар, моддий, маънавий ёрдам кўрсатиб туришди. Уларнинг оқибатчилиги, одамгарчилигидан таъсирланган Рустам ҳам, қизим ҳам отаси касбини эгалламоқчи, — деди.

Халқимиз фидойи инсонларни унутмайди. Чунки улар Ватан учун, унинг тинчлиги, осойишталиги учун жонини фидо этган. Уларнинг номи тилларда, дилларда яшайверади.

Гули Нигор АБАЗОВА.

Тошкент вилояти.

МАРДЛАР ХОТИРАСИГА ХОРИЖЛИКЛАР ЭҲТИРОМИ

Ўтганларни хотирлаш, уларни яхши фазилатлар ила ёд этиш халқимизга хос боқий қадриятлардан ҳисобланади. Ўз бурчига содиқ қолиб, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида жон фидо қилган мард ва жасур ҳамкасбларимиз жасорати унутилмайди.

Бундан беш йил муқаддам мамлакатимиздаги Америка Қўшма Штатлари ва Исроил элчихоналари ҳудудларида содир этилган мудҳиш воқеа тинчликсевар ва меҳмондўст ўзбек халқини қаттиқ изтиробга солган эди. Ўша машғум кунни ўз хизмат вазифасини бажариш чоғида республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини кўриқлашни таъминлаш буйича алоҳида милиция батальони ходимлари — сафдор Ихтиёр Ҳакимов ва катта сержант Иброҳим Норметовлар ҳалок бўлишганди. Америка Қўшма Штатлари ва Исроил элчихоналарида бўлиб ўтган тадбир мард ўглонларимиз хотирасига бағишланди.

АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонасининг биринчи котиби Дуен Бутчер ва бошқа иштирокчилар ўз хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик лавҳасига гулчамбарлар қўйиб, бир зум улар ёдига ҳурмат бажо келтиришди.

Исроил элчихонасида ўтказилган тадбирда Исроилнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Хилель Ньюман қатнашди. Элчи жаноблари хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган мард ўглонлар жасоратига ҳурмат бажо келтирди. Тадбирга марҳумларнинг оила аъзолари таклиф этилди.

Ўз мухбиримиз.

— Ички ишлар идоралари тизимида ходимларнинг касбий ва жанговар маҳорати хизмат самарадорлигини таъминловчи асосий омиллардан саналади. Шу боисдан ўз хизмат фаолиятим давомида кадрлар танлаш масаласига жиддий эътибор қаратдим. Ўзига топширилган вазифани сидқидилдан бажариб, хизматда ўзини кўрсатган ходимни доимо қадрлаганман, — дейди истеъфодаги полковник Чори Жумаев. — Бугунги кунда ички ишлар идоралари хизмати тубдан ислоҳ қилинди. Ходимлар учун барча зарурий шароит муҳайё. Соҳа хизмати тулиқ компьютерлашган. Бундай имкониятдан унумли фойдаланган ҳолда янада жонбозлик кўрсатиб ишлаш керак.

Асли Косон туманида туғилиб ўсган Ч. Жумаев ўрта мактабни битиргач, қишлоқда ишчи бўлиб меҳнат қилди. Ўз йигитлик бурчини ўтаб, ҳарбий хизматдан қайтган ёш Чори Қарши Давлат педагогика институтининг рус тили ва ала-

ИБРАТ МАКТАБИ

биёти факультетида таҳсил олди.

Ўқишни битиргач эса йўлланма билан 1973 йилда вилоят ИИБга инструктор вазифасига ишга тайинланди. 1974 йилда Таллимаржонда дивизион (ҳозирги АМБ) ташкил этилгач, ўша ерга

бошлиқ ўринбосари этиб юборилди. Кейин вилоят ИИБ кадрлар бўлимида фаолиятини давом эттирди.

Зиммасидаги топшириқларни аъло даражада бажаришга ўрганган

Ч. Жумаев кўриқлаш, ҲООБ соҳаларида ҳам самарали хизмат қилиб, бой тажриба тўплади. Вилоят ИИБ ташкилий-инспекторлик бўлими бошлиғи лавозимидан пенсияга чиқди.

ФАХРИЙЛАР — ФАХРИМИЗ



Ўтган умрининг 25 йилини эл-юрт осойишталигини таъминлашга бағишлаган Чори Жумаев халқнинг, қолаверса, раҳбариятнинг ишончини қозониб, хизматда катта ютуқларга эришиб, полковник унвонини олди. Кўп йиллик бой касбий, ҳаётий тажрибаларини шогирдларига кунт билан ўргатди. Шогирдлари, полковниклар — Муҳсин Дўстов, Баҳром Хидиров, Ҳалим Жўраев устоз ўғитини олиб камолга эришди.

Айтиш жоизки, истеъфодаги полковник Чори Жумаев хонадони Қарши шаҳридаги Алишер Навоий маҳалласидаги энг ибратли оилалардан саналади. Отаҳон маҳалланинг фаолларидан. Қолаверса, у киши вилоят ИИБ ва Қарши шаҳар ИИБ фахрийлар кенгаши билан доимий алоқада. Ёш ходимлар

билан бўлиб ўтадиган учрашув-мулоқотларда мунтазам қатнашиб, ўз билим ва тажрибасини ёшларга ўргатишдан асло чарчамайди.

Чори аканинг турмуш ўртоғи Гулчеҳра ая асли педагог. У киши ўттиз йилдан зиёд ёшларга мураббийлик қилиб, ҳозирги кунда набиралар ардоғида кексалик гаштини сурмоқда. Олти нафар ўғил-қизнинг жамиятда ўз муносиб ўринларини топишда ота-онанинг хизмати бор.

От изини той босар, деганларидек, ўғли, капитан Баҳром Жумаев ота касбини давом эттирмоқда. У Қашқадарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони навбатчилик қисми катта инспектор-навбатчиси.

Ҳа, Чори Жумаев босиб ўтган ҳаёт йўлининг ўзи алоҳида ибрат мактаби. Сафимизда бу каби инсонларнинг борлиги катта бахт.

Содиқ ИСЛОМОВ,
истеъфодаги
полковник.

Соҳибжамол АМИНОВА.

Суратда: Ч. Жумаев
невралари ардоғида.

БИОМЕТРИК ПАСПОРТ: МУНОЗАРЛАР, МУЛОҶАЗАЛАР

Президентимизнинг республикамизда биометрик маълумотларга эга бўлган янги намунадаги паспортларни жорий этиш тўғрисида Фармони қабул қилинган аҳоли ўртасида турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Айримлар бундай паспортлар маълум доирадаги одамлар учунгина керак деса, баъзилар бармоқ изларини олишади, фақат чет элга тез-тез бориб турадиган фуқаролар ундан хорижий паспорт сифатида фойдаланади, дейишмоқда. Бошқа бировлар эса янги намунадаги паспортда одамнинг вазни ўсиб бориши ва кўзларининг ранги инобатга олинади, деган фикрни ўртага ташляпти. Кўриниб турибдики, мутахассис шарҳисиз биометрик паспортнинг асл моҳияти хусусида бир тўхтама келиш мушкул. Шунини инобатга олиб муҳбиримиз Фармонда кўзда тутилган ҳолатларнинг моҳиятини тушунтириб беришни сўраб Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи, полковник Б. Шорихсиевга мурожаат қилди.

— Бадриддин Усмонович, аввало янги намунадаги паспорт эгасининг айнан қандай биометрик маълумотлари хусусида гап кетаётгани ва бундай зарурат нега туғилганини тушунтириб берсангиз.

— Келинг, сўзимни саволингизнинг иккинчи қисмига жавоб бериш билан бошлай қолай. Агар эътибор берган бўлсангиз, Фармонда Ўзбекистон Республикаси Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО)нинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлиги аниқ-равшан кўрсатиб ўтилган. Шундай экан, унинг барча талабларига бўйсуниб, билдираётган тавсияларига риоя қилиниши зарур. ИКАОга аъзо бўлган давлатлар зиммасига юклатилаётган мажбуриятлардан бири электрон машина ҳисоблайдиган ҳужжатлар, яъни паспортларни олиб ўтиш хавфсизлигини таъминлашда стандарт талабларига риоя қилишдан иборат. Шунини унутмаслик лозимки, паспорт том маънода қимматли ва инсон шахсини белгиловчи, у ёки бу давлат фуқароси эканлигини англатувчи, ниҳоят, халқаро сайёҳликда муҳим омил бўлган ҳужжат ҳисобланади. Шу боис ҳам Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенцияси (1944 йил декабрь) ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО)нинг Монреаль Ассамблеясининг 2004 йилдаги қарори (резолуцияси) га мувофиқ ушбу ташкилотга аъзо давлатлар 2010 йилдан кечиктирмай эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга фуқаро паспортларининг жорий этилишини таъминлашлари шарт. Шундай қилиб Фармонда таъкидланганидек, биометрик маълумотларга эга паспортлар халқаро фуқаро авиацияси хавфсизлигини таъминлаш, шах-

ни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбакилаштирилишига қарши ҳимоя даражасини ошириш, Давлат чегарасидан ўтишда шахсни аниқ ва тезкор идентификациялаш механизмларини такомиллаштириш, халқаро авиациялар сифати ва самардорлигини ошириш мақсадида жорий этилмоқда. Ҳозиргача дунёнинг 100дан ортиқ мамлакатларида замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланган биометрик параметрли паспортлар жорий этилган.

Таъкидлаш жоизки, йўл ҳужжатлари хавфсизлигини янада ошириш бўйича тавсия этилаётган усуллар ҳужжат бланкасига буюртма беришдан тортиб, шахсга тайёр бўлган паспортни топширишгача бўлган жараёни қамраб олган. Қатор мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари айрим шахслар, ташкилотлар, жиноий гуруҳлар, паспорт олиш ҳуқуқи бўлмаган, яъни фуқаролиги бўлмаган шахслар, тергов идораларидан яшириниб юрган жиноятчилар, террорчиларнинг яширинча ҳужжатларни олиш учун катта маблағ сарфламоқчи бўлган ҳолатига дуч келишган. Бундай ҳолатда паспорт фуқаро шахсини тасдиқловчи муҳим ҳужжат сифатидаги аҳамиятини йўқотади. Ана шундай вазиятлардан келиб чиқиб, ИКАО стандартлари ишлаб чиқилиб, унда биринчидан, электрон ҳисоблаш машиналари ҳисоблайдиган ҳужжатлар тайёрлашнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш, иккинчидан, рақамли фотосуратларни қўллаш, учинчидан, паспорт саҳифаларига визуал тасвир ҳамда маълумотларни жой-

ҳам сўз юритилди. Кенг қамровли тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов томонидан тасдиқланди. Ушбу режага қўра қатор бошқармалар олдига уларнинг ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда аниқ мақсадли вазифалар қўйилди. Бизнинг хизматимиз, шунингдек, Ахборот маркази, ЭКМ, ХБ, МИБ, МТТБ, ИХХК ва ЮТ, алоқа бўлими, «Интерпол»нинг Ўзбекистондаги ММБнинг юқори малакали ходимларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди.



Айни пайтда фуқароларга биометрик паспортлар берилаётган МДХ давлатларининг тажрибаси, биометрик паспортларни расмийлаштириш тартибининг меъёрий базиси, шунингдек, ушбу мамлакатларда амал қилинаётган паспорт тизими тўғрисидаги Низом ўрганилмоқда. Ана шу асосда республикамизда ҳам паспорт тизими тўғрисидаги янги таҳрирдаги Низом лойиҳаси тайёрланапти. ХЧК ва ФРБ ҳамда унинг бўлинмалари олдидан ҳар йили бериладиган паспортлар ҳақидаги статистик маълумот таҳлилини инобатга олган ҳолда, 2010–2015 йиллар давомида аҳоли паспортини босқичма-босқич алмаштириш учун керак бўлган биометрик паспортлар сонини аниқлаш вазифаси турибди. Бундан ташқари, хизматимиз бўлинмалари учун махсус хоналар ажратиш ва хизмат кўрсатишга тайёрлаш масаласи ҳал этилапти. Бу жойларда биометрик маълумотлар тўплаш ва персоналлашган паспортлар бериш амалга оширилади. Мазкур хоналарни зарур техникалар, мебеллар ва бошқа воситалар билан жиҳозлаш, бўлинмаларни ахборот технологиялари

соҳасидан хабардор бўлган малакали мутахассислар билан таъминлаш сўзсиз, биометрик паспортлар сифатли бўлиши ва ўз вақтида топширилишида муҳим аҳамият касб этади.

Бошқа хизматларга келсак, юқорида айтиб ўтганимдек, уларнинг ҳар бири ўз ваколат доирасидаги вазифаларни бажаради. Масалан, алоқа бўлими юқори тезликдаги алоқа канали узлуксиз ишлашига жавоб беради. Хужалик бошқармаси, МТТБ, МИБ моддий-техника ва ҳўжалик ишлари билан боғлиқ масалалар, хусусан, хоналар ажратиш ва хизмат кўрсатишга тайёрлаш, уларни зарур жиҳозлар билан таъминлашга масъул ҳисобланади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси эса ХЧК ва ФРБнинг янги шароитдаги фаолиятини таъминловчи, масалан, юқорида айтиб ўтилган паспорт тизими тўғрисидаги янги таҳрирдаги Низом ҳамда биометрик паспорт олиш учун зарур бўлган маълумотлар тўплаш пунктларига керакли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади. «Биопаспорт» лойиҳасини жорий этиш жараёнида ИИВ Ахборот маркази, Эксперт-криминалистика маркази ва «Интерпол»нинг Ўзбекистондаги ММБ мавжуд маълумотлар базаси бўйича текширув ишларини амалга оширади.

— Бадриддин Усмонович, Фармонда биометрик паспортларни марказлашган ҳолда тайёрлаш билан Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузурда ташкил этилган Давлат персоналлаштириш маркази (ДПМ) шуғулланиши таъкидланган. Ушбу марказ ва сиз айтиб ўтган ХЧК ва ФРБ биометрик маълумотларни қабул қилиш хизматлари ўртасидаги ҳамкорлик қай тарзда кечади?

— Биз ХЧК ва ФРБ базасида — Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ ХЧК ва ФРБ ҳамда шаҳар-туман ИИБларида икки юз ўн бешта ана шундай пунктлар ташкил этиш ниятидамыз. Бу жойларда янги намунадаги паспортни олиш учун мурожаат қилган фуқаролар қабул қилинади, уларнинг аризалари ва буюрт-

малари асосида биометрик паспорт тайёрлаш учун Давлат персоналлаштириш марказига биометрик маълумотлар тўплашиб топширилади. ДПМ тушган буюртмага қараб ўзида персоналлашган биометрик маълумотлар ва паспорт эгасининг белгиланган маълумотлари тўғрисидаги электрон тарқатувчи ахборот мавжуд бўлган паспорт тайёрлаб беради. Шундан сўнг фуқарога ўзи мурожаат қилган ХЧК ва ФРБ бўлинмаларидан паспорт берилади.

— Айрим фуқароларимиз чет элларда яшаб, таълим олишади, ишлашади ва ҳоказо. Улар ўз паспортларини янги намунадаги паспортга алмаштириш учун қаярга мурожаат қилишлари лозим?

— Фармонда маълумотлар ва биометрик параметрларни тўплаш, ушбу маълумотларни ДПМга юбориш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспортларнинг ўз вақтида берилишини таъминлаш ИИВ ХЧК ва ФРБ бўлинмаларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг хориждаги консуллик муассасаларига ҳам юклатилганлиги кўрсатиб ўтилган.

— Фармонда амалдаги паспортларни биометрик паспортларга алмаштириш муддатлари аниқ кўрсатиб ўтилган...

— Тўғри ўйланган, деб ҳисоблайман. Чунки йигирма беш миллиондан ортиқ одам истиқомат қилаётган, шулардан олтмиш фоизи паспортга эга, йилига эса юз минглаб йигит-қизларимиз балоғат ёшига етаётган мамлакатда паспортлаштириш жараёнига оқилона ёндашмас бўлмайди. Шу нуқтага назардан келиб чиқиб, паспортларни янги намунадаги биопаспортга алмаштириш беш йил ичида, икки босқичда амалга оширилиши кўзланмоқда. Биринчи навбатда республика вазирликлари, идоралари ва муассасалари хизматчиларига, хорижга чиқаётган ёки чет элдаги жисмоний шахсларга берилади. Бундан ташқари, 16 ёшга тўлган ёки паспорт алмаштириш ёшида бўлганлар, яъни 25 ёки 45 ёшдаги фуқаролар бундай имкониятдан фойдаланади. Шундан сўнг эса 2011–2015 йиллар давомида республикамиздаги қолган барча фуқароларга биометрик паспортлар берилади.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

И. САЙФУТДИНОВА
суҳбатлашди.



POSTDA.TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

10-16-avgust



МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

КҮЙ.



Кун тартибини тўғри ташкиллаштиришга ҳаракат қилинг, йўқса айрим муаммоларга дуч келишингиз мумкин. Юдузлар кундалик одатларга ўзгартиш киритиш лозимлиги ҳақида дарак берапти. Дўстлар билан мулоқот чоғида янгиликлардан бохабар бўласиз. Ўзингиз берадиган ахборотларни аввал ўйлаб кўрганингиз маъқул. Ўйинқулгига берилиб кетманг, ҳамма нарса ўз меъёрида бўлгани яхши.

СИГИР.



Ҳаётда ҳар бир нарсанинг олдибердиси борлигини унутманг. Ўйламай қилинган харидларни таҳлил этиб, пулни қандай сарфлаш кераклиги ҳақида хулоса чиқариб, хатоларни қайта такрорламасликка ҳаракат қилинг. Ҳафтанинг иккинчи ярми молиявий ишлар учун омадли келиши кутиляпти. Моддий ахволи яхшилаб олиш имконияти туғилади, ундан унумли фойдаланиш лозим.

ЭГИЗАКЛАР.



Ҳафта бошида оилавий муносабатларда мураккаблик пайдо бўлиши мумкин. Яқинларингизнинг сизни нотўғри тушунишларига ўзингиз айбдор эканингизни унутманг. Ўзингизга танқидий нуқтаи назардан разм солиб кўринг. Бундай таҳлил оилавий муносабатларнинг барқарорлашувига ёрдам беради. Фикр ва ҳаракатларни маълум бир мақсадга қаратиб дадил ишга киришсангиз муваффақият қозонасиз.

КИСКИЧБАҚА.



Хотираларга берилавермай келажакка умид билан қарашга одатланг. Омадсиз ўтган кунларни таҳлил этиб, хулоса чиқаринг. Бу ҳаёт тажрибангиз ортишида катта ёрдам беради. Ҳафтанинг иккинчи ярмида чалқаш вазиятдан чиқиб кетишга имкон туғилади. Мураккаб масалаларда ҳам калаванинг учини топишга эришасиз. Пул сарфлаш, кредит олишда шошилманг. Саломатликни сақлашга ҳам вақт ажратишни унутманг.

АРСЛОН.



Дўстлар билан молиявий масалалар бўйича зиддият туғилиши мумкин. Уртадаги тушунмовчиликларни очиқ-ойдин муҳокама қилиб, муаммони ҳаққоний ҳал этишга ҳаракат қилинг. Шахсий муносабатларда худбинликка йўл қўйманг. Мўлжалланган ишларни ҳамжиҳатликда амалга оширсангиз, қутилган натижага эришасиз. Буш вақтни режалаштирганда яқин кишиларнинг маслаҳатига қулоқ тутиш лозим.

БОШОҚ.



Ҳамма нарсага бирдан эришиб бўлмаслигини унутманг. Қутилган натижадан кўнглингиз тўлмаса, тушқунликка тушиб қолманг. Вазиятга тўғри баҳо беришга ҳаракат қилинг. Сабр таги сариқ олтин деганларидек, барча ниятларингизга аста-секин эришасиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида анча тер тўкиб ишлашга тўғри келади. Иш жараёнида сизни муваффақиятлар кутмоқда. Хизмат пиллапоясидан юқорилаш эҳтимоли бор.

ТАРОЗИ.



Донишмандлар билим қанчалик кўп бўлса, шунча кам дейишади. Шундай экан тинмай излангиз, билим доирангизни кенгайтиришга ҳаракат қилинг. Дўстлар билан мулоқот учун кўп вақт сарфлашга тўғри келади. Кундалик вазифаларни тўлиқ адо этиш учун вақтдан унумли фойдаланиш лозим. Ҳафтанинг иккинчи ярми нисбатан омадли келиши кутилмоқда.

ЧАЁН.



Дўстлар таклиф этган таваккал ўйинларда иштирок этмасликка ҳаракат қилинг. Рад жавобингиз дўстона муносабатларга пугур етказишдан хавотирланманг. Мураккаб электр, электромеханик жиҳозлардан фойдаланишда эҳтиёт бўлинг. Мерос, ипотека ва бошқа узоқ муддатли кредит масалалари ҳафтанинг иккинчи ярмида ҳал бўлиши кутилмоқда. Омадга эришай десаңгиз мақсад сари дадил одимланг.

ЁЙ.




Шахсий муносабатларда ўтмишдаги муаммолар қалқиб чиқиши мумкин. Уларни муҳокама қилиш оғир кечади. Норозилик сабабларини аниқлаб, яқин кишингиз билан дилдан гаплашиб олиш лозим. Ишонч ҳамжиҳатликнинг асосий омили эканини унутманг. Муносабатларни яхши томонга ўзгартириш ва мустаҳкамлаш учун ҳафтанинг иккинчи ярми қулай бўлади. Сафар ва саёхатни режалаштирмаган маъқул.

ТОҒ ЭЧКИСИ.



Ишхонада имкониятларнинг чегараланишидан саросимага тушмай, ўзингизни қўлга олинг. Аввалги йўл қўйилган хатолар бугунги вазиятнинг асл сабабчиси эканини унутманг. Ҳар қандай ҳолатда шошмашошарликка йўл қўймай, вазиятга тўғри баҳо бериб, уни яхшилашга ҳаракат қилган маъқул. Бошқа ишга ўтиш ҳақидаги таклифни ҳам ўйлаб кўриш фойдаланиш ҳоли бўлмайди. Саломатликни мустаҳкамлашга аҳамият беринг.

КОВҒА.



Тасодифий алоқа ва муносабатлардан четроқ юришни маслаҳат берамиз. Чунки хиёнат ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Хатога йўл қўйган бўлсангиз, уни тан олиб, тўғрилашга интилинг. Ҳафтанинг иккинчи ярми ижодий ишларда фаоллик кўрсатишга қулай бўлади. Шахсий муносабатлар ҳафта охирига келиб яхшиланиб боради. Дам олиш кунлари оила аъзолари билан ҳордиқ чиқаришни режалаштиринг.

БАЛИҚ.



Шахсий муносабатларда зиддият юзага келиши кутилмоқда. Ўзингизни қўлга олиб, худбинликка йўл қўймай, муаммолар ечимини топишга ҳаракат қилинг. Вазият оғирлашмаслиги учун муаммоларга қариндошларни аралаштирмаган маъқул. Оила аъзолари билан ўзаро ишонч туфайли ҳамжиҳатликка эришасиз. Саломатликни асраш, мустаҳкамлаш ва даволаниш имкониятларидан унумли фойдаланинг.

«O'zbekiston»

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.05 «Ихзор».
07.15 ТелеТеатр: «Кампир топайми, дадажон».
07.50 «Олтин мерос».
08.00 «Тахлилнома».
08.40 «Маънавият» дастури.
09.40 «Болалар дунёси».
10.00 «Типрикан ва куён».
М/ф.
10.15 «Кирол Сежонг», Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Обод манзиллар».
11.40 «Кишлоқ шифокори».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 Кино: «Кора ёл».
14.00 «Ахборот».
14.15 «Ватанпарвар».
14.55 «Бунёдкорлик».
15.25 «Ўртим бўйлаб» дастури: «Афсонавий қоялар».
15.40 «Заковат».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Саломатлик дастури»
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
18.45 «Очун».
18.55 «Бир кун».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «Ахборот». (рус)
20.05 Т/с «Туташ тақдирлар».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 Тошкент - 2200. «Боқий Тошкент».
21.50 «Кирол Сежонг», Т/с.
22.45 «Капитан». Б/ф.
00.25 Тунги наволар.

«Uzbekistan»

00.35 «Чемпион».
01.00 «Ахборот». (рус)
01.30 «Ешлар майдони».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.35 ТелеТеатр.
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Очун».
05.40 Тонги наволар.

«Yoshlar»

06.55 «Yoshlar» салони.
07.00 «Ешлар майдони».
07.30 «Муҳаббатим-қисматим». Т/с.
08.10 «Замона дурдонаси».
08.40 «Тасвир ва таассурот».
09.00 «Шерюррак», Т/с.
09.50 «Тошкент-2200».
10.00 «ДАВР». Хафта якуни.
10.30 «Даврининг боласи».
10.40 «Кувнок ўрмонча».
10.55 «Болалар илхоми».
11.00 «Чумолилар». М/ф.
12.25 «KINOMANIYA».
12.55 «Тошкент мушоираси».
13.00 «Камолот хабарлари».
13.10 «Даврининг боласи».
13.20 «Мультипанорама».
13.30 «Болалар табассуми».
13.40 «Ҳаққуш». Т/с.
14.30 «Ешлар майдони».
15.00 «Келажакка интилиб».
15.30 «Илхом қанотлари».
15.35 «Шарқ гавҳари».
15.55 «Навоий хазинаси».

16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврининг боласи».
16.20 «Муъжизавий дунё».
16.45 «Айиқча Гами». М/ф.
17.05 «Афсона ва ҳақиқат».
17.50 2009 йил - Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Кишлоқ ва таълим».
18.05 «UzEX».
18.10 «Чархпалак». Т/с.
18.55 «Истиклол шуқуҳи».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ҳаққуш». Т/с.
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Кишлоқ тараққиёти».
21.00 «Шерюррак». Т/с.
21.50 «Ватан меҳри».
22.00 «ДАВР».
22.30 Миллий кино: «Тақдир чархпалағи».
00.15 «Кунгил».
00.20 «Юрт тинчлиги».

«Тошкент»

07.30 «Салом, Тошкент!»
08.30 «Камбағал ва малика». М/ф.
09.45 «Карвонсарой».
09.55 «Асрлардан садор». Т/ф.
10.15 «Сувда қалқан армонлар». Б/ф 1-2-сериялар.
12.35 «Саргузаштлар ороли».
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.50 «Тошкент-2200».
15.00 «Пойтахт».
15.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф.
16.10 «Кичик боланинг катта ташвишлари». Б/ф.
17.10 «Аёл қалби».
17.30 «Ҳуқуқшуно маслаҳати».
17.35 «Кундуз амакининг хикоялари». М/ф.
17.45 «Карвонсарой».
17.55, 21.55 «Телекурьер-маркет».
18.15 «Тошкентнинг илм масканлари».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Ўйларим».
19.50 «Саломат бўлинг!» (рус).
20.00 «Пойтахт». (рус)
20.20 Бевосита мулоқот.
21.00 «Аччиқ ёлгон». Т/с.
21.30 «Пойтахт».
22.20 «Банковский билет в миллион фунтов стерлингов». Х/ф.

«Sport»

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талкин».
8.35 «Малахов +».
9.30 «Версия».
10.05 Серил «Подводные записки».
10.30 «Профринг».
11.35 «Виллетта спорти».
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Ўзбекистан - Родина моя».
18.30 «Хабарлар» (рус)
18.55 «Халқ ўйинлари».
19.10 «АЗИЯ ЛОТО».
19.55 «Футбол шарҳи».
20.25 Волейбол.
21.30 «Хабарлар».
21.55 ИнтерФутбол.
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

«Первый канал»

4.00 Телеканал «Доброе утро».
8.00, 11.00 Новости.
8.05 Телеканал «Доброе утро». Продолжение.
8.30 Малахов +.
9.30 Модный приговор.
10.25 Контрольная закупка.
11.15 Т/с «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ».
12.20 «Детективы».
13.00 Другие новости.
13.25 «Хочу знать» с Михаилом Ширвиндтом.
14.00 Новости (с субтитрами).
14.15 Т/с «Обручальное кольцо».
15.15 Т/с «СЛЕД».
16.00 Федеральный судья.
17.00 Вечерние новости (с субтитрами).
17.15 Понятя. Простить.
17.50 «Жди меня».
18.45 «Давай поженимся!».
20.00 «Время».
20.30 Т/с «Одна семья».
21.35 Т/с «СЛЕД».
«Городские пиканы».
22.25 «Отель «Вавилон»».
23.00 «Жизнь на Марсе».
0.15 «Упавайши с неба».
0.45 Фильм «Рабство».
2.00 Новости.
2.05 Фильм «Рабство». Продолжение.
2.55 «За секунды до катастрофы: Цунами в Альпах».

«Россия»

4.00 Доброе утро, Россия!
7.55 «Трагедия силача. Иван Поддубный».
8.50 Т/с «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ».
9.50 Вести. Дежурная часть.
10.00, 13.00, 16.00 Вести.
10.30, 13.20, 16.25, 19.30 Местное время. Вести-Москва.
10.50 «Котенок по имени Гав». Мультфильм.
11.00 Фильм «Синяя Борода».
13.40 Премьера. «Отчаянные домохозяйки».
15.30 «КУЛАГИН И ПАРТНЕРЫ».
16.50 Вести. Дежурная часть.
17.00 Т/с «ОДНАЖДЫ БУДЕТ ЛЮБОВЬ».
18.00 Т/с «КАРМЕЛИТА. ЦЫГАНСКАЯ СТРАСТЬ».
19.00 Вести.
19.50 Спокойной ночи, малыши!
20.00 Т/с «ВСЕГДА ГОВОРИ ВСЕГДА»-3».
21.50 Фильм «Спасти любой ценой».
22.50 Вести +.
23.10 Комедия «Устрицы из Лозанны».
0.45 Фильм «Потаенное».
3.05 Комната смеха.

НТВ

5.00 «Сегодня утром».
7.05 Т/с «ТОЛЬКО ТЫ...».
8.00 Квартирный вопрос.
9.00, 12.00, 15.00 Сегодня.
9.25 Чистосердечное признание.
10.00 «Средний класс».
11.00 Суд присяжных.
12.35 Серил «ВОЗВРАЩЕНИЕ МУХТАРА».
14.30, 17.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
15.30 Серил «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ».

18.00 Сегодня.
18.30 Т/с «ГЛУХАРЬ».
20.15 Т/с «МЕНТОВСКИЕ ВОЙНЫ».
22.00 Сегодня.
22.20 Фильм «ИЗБИТОЧНАЯ СИЛА».
23.55 Футбольная ночь.
0.30 Фильм «САРАНЧА».
2.45 Особо опасен!
11.00 12.00 13.00 14.00
16.00 18.00 19.00 21.00 1.00
2.00 3.00 4.00 5.00 «7 ново-стей»
11.05 KOTV: классика бока-са.
12.05 Жажда скорости
12.35 Планета рыбака
13.05 Диалоги о рыбалке
13.20 Маунтинбайк
14.05 Racing World
14.40 Евросерия F-3 6-й этап.
15.20 IndyCar.
16.05 Автоспорт России
16.35 DTM. 6-й этап
17.35 За пределом
18.05 Классика: Премьер-лига.
18.35 Основной инстинкт
19.15 Кубок новичков Moto GP. 6-й этап.
20.00 Суперкубок Seat Leon. 6-й этап.
20.35 World Surfing Tour.
21.05 WTCC-2009
22.00 Спидвей 7-й этап
1.05 X-treme 99.9
1.35 Спортивная неделя Подмосковья
2.05 3.05 4.05 Спортнация
5.05 Формула успеха

«O'zbekiston»

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.10 Миллий кино: «Мафтунингман». 2-қисм.
07.50 «Тонгги наволар».
08.00 «Ахборот».
«Болалар сайёраси»;
08.30 «Бизнинг кутубхона».
08.50 «Айиқча ва аждарҳо».
М/ф.
10.00 «Саломатлик сирлари».
10.20 «Минг бир хунар».
10.35 «Ойдин ҳаёт». Токшоу.
11.20 «Ҳамон ёдимда...»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.05 «Очиқ дастурхон».
13.35 «КиноТеатр».
14.00 «Токи ҳаёт эканмиз».
Б/ф.
«Болалар сайёраси»:
15.40 «Атлантида сирлари».
М/ф.
17.00 «Оҳанрабо».
17.40 Миллий кино: «Яратганга шукр».
19.20 Тошкент - 2200. «Боқий Тошкент».
19.30 «Тахлилнома». (рус).
20.05 Т/с «Денгиздан томчи».
20.35 «Кўнгил қўшиқ истайди».
21.00 «Тахлилнома».
21.40 «Азизим».
22.15 «Жан де Флорет».
Б/ф. Премьера.
00.10 Тунги наволар.

«Uzbekistan»

00.25 «Очиқ дастурхон».
01.00 «Тахлилнома». (рус).
01.30 «Ойдин ҳаёт». Токшоу.
02.15 «Оҳанрабо».
02.55 «Ҳамон ёдимда...»
03.35 «КиноТеатр».
04.00 «Тахлилнома».
04.40 Миллий кино: «Ганг дарёсининг қизи».
05.45 Тонгги наволар.

«Yoshlar»

06.55 «Yoshlar» салони.
07.00 «Якшанба нонушта-си».
07.20 «Ватан меҳри».
07.30 «Қалпоқ». Ҳажвия.
08.00 Киноклассика: «Чинор остидаги дуэль».
09.10 «Эҳтиёт бўлинг: мультфильм!»
09.40 «Соғлиқ - бойлик».
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 «Шерюрак». Т/с.
11.25 «Навоий ҳазинаси».
11.30 Болалар учун фильм: «Тошкент сайри».
12.30 «Лоло». М/ф.
13.20 «Yoshlar-FM».
13.40 «Маслаҳат». Ҳажвия.
14.30 «Инсон психологияси».
15.00 «Шарқ гавҳари».
15.40 «Айланай...»
16.00 «Қамолот хабарлари».
16.10 «Жумонг». Т/с.
17.20 «Тошкент таронаси».
17.30 Киноклассика: «Ишбилармон кишилар».
18.50 «Тошкент мушоира-си».
19.00 «ДАВР». Ҳафта якуни.
19.30 «Рузгор мактаби».
20.00 «Тараннум».
20.40 «Тинчлик учун курашмоқ керак!»
21.10 «Ватан меҳри».
21.20 «Табассум қил!»

21.30 «KINOMANIYA».
22.00 Хинд киноси: «Буёқ сулола».
00.50 «Юрт тинчлиги».

«Тошкент»

07.25 Курсатувлар тартиби.
07.30 «Салом, Тошкент!»
08.30 Бизнес-«Пойтахт».
08.35 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
09.20 «Карвонсарой».
09.30 «Пойтахт».
09.40 «Тошкент-2200».
09.45 «Репортаж».
09.55 «Анонс».
10.00 «Телекуррьер-маркет».
10.20 «Афиша».
10.30 «Пойтахт». (рус).
10.40 «Анонс».
10.45 Ёзги таътил кунларида: «Қирол шер». М /ф.
12.15 «Саргузаштлар ороли».
12.40 «Усто умри». Т/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Анонс».
14.05 «Эргинамининг орзу-си». Ўзбек Давлат миллий драма театрнинг спектакли.
15.30 «Телекуррьер-маркет».
15.50 «Карвонсарой».
16.00 «Болаликка қайтиб».
16.20 Тошкент шахрининг 2200 йиллигига: «Менинг шахрим».
16.45 «Тошкентда латифа».
16.50 «Истеъдод».
17.10 «Қирол номи ила».
Б/Ф 1-2-сериялар.
19.05 «Телекуррьер-маркет».
19.25 «Нима учун?»
20.10 «Кинотақдим».
20.35 «Тошкент-2200».
20.40 «Тошкент оқшомлари».
21.10 «Туризм ҳақида». (рус).
21.40 «Кино SMS со звёздами»: «Мексиканец». «Угнать за 60 секунд». «Четыре пера».

«Sport»

8.00 «Бодрое утро».
9.00 «Хабарлар» (рус)
9.20 «Қувноқ стартлар».
10.00 «Хабарлар»
10.25 «ГОЛ».
11.25 «Аёл ифори».
12.05 «Ҳимоядаги хужумчи». Бадиий фильм.
13.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Бунёдкор» - «Металлург».
18.00 «Клоун Кири». Мультфильм.
18.05 Тошкент шахрининг 2200 йиллиги: «Тошкент - спорт шаҳри».
18.30 «Версия».
19.05 «Военное дело».
19.25 «АВТОГРАФ».
19.45 «Спорт - менинг ҳаётим».
20.10 «Файтер». Восточные единоборства.
20.35 Футзал. Халқаро турнир. Финал.
21.30 «Талқин».
22.05 ИнтерФутбол.
23.40 Енги атлетика. Жаҳон чемпионати.
00.40 «Профринг».
01.40 Тунингиз осуда бўлсин!»

«Первый канал»

5.00, 9.00, 11.00 Новости.
5.10 Евгений Урбанский, Нина Дробышева в фильме «Чистое небо».
7.00 Смак.
7.45 Армейский магазин.
8.15 «Играй, гармонь любимая!».
9.10 «Девочка и дельфин».
Мультпликационный фильм.
9.20 «Непутевые заметки» с Дмитрием Крыловым.
9.35 «Пока все дома».
10.25 Фазенда.
11.30 Премьера. «Сокровище нации».
12.30 Премьера. «Пьер Ришар. Невезучий счастливчик».
13.30 Комедия «Беглецы».
15.10 Музыкальный фестиваль «Голосающий КиВиН».
18.00 Футбол. Чемпионат России. XVIII тур «Локомотив» - ЦСКА.
20.00 «Время».
20.20 «Большая разница».
21.25 «Рубик Всемогущий».
22.20 Комедия «Человек года».
0.20 Комедия «Соглядатай».
1.50 Комедия «Смешные люди!».

«Россия»

4.35 Фильм «Презумпция невиновности».
6.20 «Смехопанорама» Евгения Петросяна.
6.50 Сам себе режиссер.
7.40 Утренняя почта.
8.15 Фильм «Динозавр Миши - хозяин озера».
10.00, 13.00, 19.00 Вести.
10.10 Местное время. Вести-Москва. Неделя в городе.
10.50 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
11.20 «Сто к одному». Телеигра.
12.10 «Алые паруса Василия Ланового».
13.20 Местное время. Вести-Москва.
13.30 Вести. Дежурная часть.
14.25 «Честный детектив». Авторская программа Эдуарда Петрова.
14.55 Премьера. «Смеяться разрешается». Юмористическая программа.
16.55 Фильм «Возвращение блудного папы».
19.15 Фильм «Ромашка, кактус, маргаритка».
21.15 Фильм «Качели».
23.00 Боевик «Смертельное оружие - 4».
1.40 Фильм «Счастливого пути!».

НТВ

4.10 Х/ф «ПО ДАННЫМ УГОЛОВНОГО РОЗЫСКА...».
5.25 М/с «Батмен-3».
6.30 «Дикий мир».
7.00, 9.00, 12.00 Сегодня.
7.15 Лотерея «Русское лото».
7.45 Их нравы.
8.25 Едим дома.
9.20 Спасатели.
9.45 «Quattro ruote». Программа про автомобили.
10.20 Борьба за собственность.
11.00 Дачный ответ.
12.20 Комедия «СОЛДАТ ИВАН БРОВКИН».
14.05 Своя игра.
15.00, 18.00 Сегодня.
15.20 РЕПОРТЕР В.ТАКМЕНЕВ. Лучшие фильмы.
16.10 Сериал «ЗАКОН И ПО-

РЯДОК».
18.25 Чистосердечное признание.
19.00 Т/с «ГОНЧИЕ-2: НА ГРАНИ БЕЗУМИЯ».
22.40 «Наказание. Русская тюрьма вчера и сегодня».
23.10 «Quattro ruote». Программа про автомобили.
23.45 Боевик «ОТМЩЕНИЕ».
1.35 Боевик «ИСКУССТВО ВОЙНЫ».
3.50 Особо опасен!
4.15 Сериал «ДЕВЯТЬ МЕСЯЦЕВ ИЗ ЖИЗНИ».

ТВ 3

7.00 Док. фильм «Луна».
8.00 Мультфильмы.
8.30 Мультфильм «Человек-паук».
11.30 Х/ф «ШЛА СОБАКА ПО РОЯЛЮ».
13.00 Т/с «ДОСЬЕ ДЕТЕКТИВА ДУБРОВСКОГО».
15.00 Док. фильм «Луна».
16.15 Х/ф «ОБОРОТЕНЬ».
18.15 Х/ф «ШТОРМОВОЕ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ».
20.00 Док. фильм «Городские легенды. Москва. Усадьба Коломенское».
21.00 Х/ф «ВПOLNE ВОЗМОЖНО».
23.15 Х/ф «ПРЕМИЯ ДАРВИНА».
1.15 Х/ф «ЖАЖДА КРОВИ».
3.15 Спортивный турнир «Покер после полночи».
5.15 Х/ф «ДЕНЬ ТРИФИДОВ».

СТС

7.00 Х/ф «ДОКТОР ГОЛЛИВУД».
9.00 «Василиса Микулишна». Мультфильм.
9.20 «Смешарики». Мультсериал.
9.30 «Капитан Фламинго». Мультсериал.
10.00 «ВОЛШЕБНИК ЗЕМНОМОРЬЯ». Двухсерийный художественный фильм. 2-я серия.
11.40 «Том и Джерри». Мультсериал.
12.00 «Галилео».
13.00 «Снимите это немедленно!»
14.00 Комедия «ШАГ ЗА ШАГОМ».
15.30 «Приключения Тома и Джерри». Мультсериал.
16.00 «Чип и Дейл спешат на помощь». Мультсериал.
17.00 «6 кадров».
18.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
19.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».
21.00, 0.00 «6 кадров».
22.00 Кино «ТАИНСТВЕННЫЙ ЛЕС».
1.00 Кино «ОГНЕННЫЙ ДОЖДЬ».
3.15 Кино «ОФИЦЕР И ДЖЕНТЛЬМЕН».
5.35 «ЗАВТРА НАСТУПИТ СЕГОДНЯ». Многосерийный художественный фильм.
6.20 Музыка на СТС.

ДТВ

7.00 Клуб детективов.
7.55 Музыка на ДТВ.
8.00, 14.30 «Чудеса со всего света». Осень.
9.00 Тысяча мелочей.
9.30 Мультфильмы.
12.30 Русский фильм. «ГРУЗ БЕЗ МАРКИРОВКИ».
15.30 Зарубежный фильм. «ВЫСШАЯ МЕРА».
17.30 Детектив «СЛЕДСТВИЕ

ВЕДУТ ЗНАТОКИ. 10 ЛЕТ СПУСТЯ. ДЕЛО №23».
18.30 Детектив «СЛЕДСТВИЕ ВЕДУТ ЗНАТОКИ. 10 ЛЕТ СПУСТЯ. ДЕЛО №23».
19.30 Скетч-шоу «Смешнее, чем кролики».
20.00, 20.30 Развлекательные передачи.
21.00, 22.00, 23.00 Премьера! Детектив на ДТВ. «24».
0.00 Детектив на ДТВ. «С.S.I. МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ НЬЮ-ИОРК-3».
1.00 Развлекательные передачи.
1.30 Скетч-шоу «Смешнее, чем кролики».
2.00 Зарубежный фильм. «ВЫСШАЯ МЕРА».
4.00 Клуб детективов.
6.00 Детектив.

«Спорт»

4.00 Футбол. Товарищеский матч. Молодежные сборные. Россия - Италия.
6.00 Вести-спорт.
6.10, 11.00 Легкая атлетика.
8.00, 10.45 Вести-спорт.
8.10, 19.20 Вести-спорт. Местное время.
8.15 Страна спортивная.
8.40 Легкая атлетика. Чемпионат мира. Трансляция из Германии.
10.15 Точка отрыва.
14.45, 19.10 Вести-спорт.
15.00 Профессиональный бокс. Э. Байсангуров против Э. Альберта.
16.30 Футбол. Премьер-лига. «Спартак» - «Москва».
19.30 Легкая атлетика.
22.45 Вести-спорт.
22.55 Футбол. «Атлетик» - «Барселона».
0.55 Велоспорт.

7 ТВ

6.00 Super-утро.
11.00 21.00 22.00 23.00 0.00 1.00 2.00 3.00 4.00 5.00 «7 новостей».
11.05 Спортивная неделя Подмосковья.
11.20 Основной инстинкт.
11.50 Суперкубок Seat Leon. 6-й этап.
12.20 Предельная глубина.
12.35 Планага рыбака.
13.00 Диалоги о рыбалке.
13.10 Клуб покорителей пространства.
13.30 Евросерия F-3. 6-й этап.
14.10 Off-Road Drive.
14.35 Кубок Porsche Carrera. 6-й этап.
15.10 Под водой с...
15.30 Cliff Diving.
16.00 Море дайвинга.
16.10 Экстрим: начало века.
17.00 DTM. 6-й этап.
18.10 Ралли-рейды России.
18.25 Кубок новичков Moto GP. 6-й этап.
19.00 Кубок Volkswagen Polo. 7-й этап.
19.40 IndyCar. Обзор 13-го этапа. Mid-Ohio Indy 200.
20.10 World Surfing Tour-2008.
20.30 Триатлон. Ironman-2009. Обзор.
21.05 Volvo Ocean Race.
22.05 More дайвинга.
22.20 Wrestling: опасная зона.
23.05 Пул.
0.05 X-treme 99.9.
1.05 Покер.
2.05 3.05 4.05 Спортмания.
5.05 Формула успеха.

ҚИЛМИШ-КИДИРМИШ

«Суюнчи» фильмини кўпчилик севиб томоша қилса керак. Эсингизда бўлса, фильмнинг бош қахрамони Анзират хола ҳамқишлоқларидан бирининг эшигига кулф осилганини кўриб: «Бундан хабар топса, қишлоғимизнинг ўғриси хафа бўлади. Чунки у доимо кўшни қишлоққа бориб ўғрилик қилади», дейди.

Бухоро вилояти Жондор туманида яшаган Ботир Муродов (исми шарифи ўзгартирилган) ҳам ана шундай «одобли» ўғри чиқиб қолди. У дастлаб нафақат бошқа қишлоқда, ҳатто бошқа туманда — Бухоро туманида ўғрилик қилди. Бу қилмиши учун 2005 йил 31 октябрда жиноят ишлари бўйича туман суди томонидан икки йилу беш ойга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этилди. Суд жазо тайинлашда айбланувчининг эндигина вояга етганлигини, жиноятга илк бор қўл урганлигини ҳисобга олди.

Таассуфлар бўлсинки, Ботир бундан теггиши хулоса чиқармади. Яқин-атрофда отнинг қашқасидек танилиб қолгани учун энди «фаолияти»ни Самарқанд шаҳрида давом эттирди. Охири қўлга тушиб, қилмишлари тергов ва суд жараёнида ўз исботини топди. Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди уни 2006 йил 16 октябрда беш йилу икки ойга озодликдан маҳрум этди. Бунда илгари тайинланган жазонинг ўталмай қолган муддати ҳам қисман ҳисобга олинди. Қонунларимизнинг инсонпарварлигини қарангки, 2008 йил 16 ноябрда жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман суди жазонинг ўталмай қолган қисмини ахлоқ тузатиш ишларига алмаштириб, Ботир Муродовни озодликка чиқарди.

Бу сатрларни ўқийтган муштарий: «Хуш, нима бўпти? Тўрт оёқли от ҳам қоқилади. Ўтган ишга салавот. Буёғига йўлини топиб кетса бўлди», дер. Ҳамма гап шунда-да. Афсуски, Ботир тиканли сим ортида

ўтириб ҳам тавбасига таянмади. Ваҳоланки, жазони ижро этиш муассасасида «Бўлди, энди минбаъд жиноятга қўл урмайман», деб

«ГАСТРОЛЁР»

ЎҒРИ

таваллолар қилганди. Суд ҳам уни озодликка чиқариш чоғида тавба-тазарруларига ишонганди.

Кўпни кўрган айрим кексалар ўғрилик ҳам кашандалик, гиёҳвандлик каби бир иллат дейишади. Уларнинг айтишича, қариб қуюлиб ёки қувватдан қолиб ўғриликни ташлаган ўғриларни ҳам гоҳи-гоҳида эски «хунари»нинг ҳумори туби тураркан. Шунда улар ҳовлида ётган супурги ёки ҳокандозни аллақайси жойларга яшириб кўярган. Кейин йўқолган нарсани зир югуриб қидириб юрган хотини ёки қизини кўриб завқ оларкан, ҳуморидан чиқаркан.

Қайдам. Балки, кекса ўғрилар шу билан қаноатланар. Аммо Ботирнинг ҳали-бери астойдил тавба қилиш нияти йўқ эди. Шунинг учун бир ойдан сал ортиқроқ уйда бўлиб, 2009 йил январь ойи бошларида яна «гастрол» сафарига чиқди. Бунинг яна бир сабаби — туман ИИБ ходимлари ишга кир, бўлмаса яна

қамаласан деб ҳоли-жонига қўйишмаётганди. Унинг эса ишлашга тоби йўқ эди. Охири қочди. Бу галги режаси Навоий шаҳрида «концерт» намойиш этиш эди. Йўлда Татьяна исмли жувон билан танишиб қолди. Унга ўзининг Навоийдаги тиббиёт коллежида ўқишини, ижарага уй кираклигини айтди.

— Менинг Карманада ҳовлим бор. Истасанг, бизникида тур, — деди аёл.

Бошпана масаласи бунчалик тез ҳал бўлганидан

шинада анча шаҳар айланди, ҳовурини босди. Бу орада кирақаш билан танишиб ҳам олди. Унинг исми Жасур экан. Машинадан тушиб қолаётганида, Жасур унга «Такси керак бўлса, қўнғироқ қилаверинг», деб уяли телефони рақамини берди. Ботир энди тақинчоқларни кимга пулласам деб бош қотира бошлади. Орадан икки кун ўтиб, Жасурга қўнғироқ қилди. У келгач, тақинчоқларни кўрсатиб: «Онамнинг тақинчоқлари, пул зарур

кетди. Ички сезгиси алдаманди. Ҳақиқатан ҳам қути ичи тилла тақинчоқларга тўла экан. Уларни апил-тапил чўнтақларига тиқиб, энди чиқиб кетмоқчи эди, пойгакдаги сандиққа кулф осиб қўйилганига кўзи тушди. Дарҳол ўзи билан олиб келган мих кўпорадиган мослама ёрдамида қулфни бузди. Бу сафар ҳам янглишмаганди. Сандиқ ичида матога ўралган 200 минг сўмча пул бор экан.

Бу хонадондан ўғирлаган тақинчоқларини ҳам Жасур

диган нарсга топгунича анча уринишига тўғри келди. Авваламбор, уйларга кираверилмади эшик миҳланган экан. Амаллаб ичкари кирганида, сейфга дуч келди. Унинг калитини ахтариб тополмади. Хонтахта устида турган пичоқ ёрдамида зўрга сейфни очиб қараса, ичида ҳеч вақо йўқ эди. Иккинчи хонага ўтиб, трюмининг тортмаларидан бир дона тилла занжир, бир жуфт оқ кўзли зирак топди, холос. «Ҳар ҳолда қуруқ бўлмади-ку», деб шунга ҳам шукур қилиб, жуфтакни ростлади. 2009 йил 27 февраль куни Санжар билан Навоий шаҳридаги заргарлик буюмлари дўконларидан бирига ўзи ўғирлаган тилла тақинчоқларни пуллаш учун борганида, тумшуғидан илинди.

Аллақачон унинг изига тушган тезкор ходимлар уни қўлга олишди. Аввалига ўзини «мусичадек беозор» қилиб кўрсатган Ботир тергов-суриштирув ҳаракатлари чоғида ҳам, судда ҳам барча айбларини тан олди. Тан олмасдан бошқа иложи ҳам йўқ эди. Ундан олинган ашёвий далиллар, воқеа жойларидан топилган қўл-бармоқ излари, жабрдийдалар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари унинг айбини исботлаш учун етарли эди.

Суд жараёнида Ботир Муродов қилмишидан пушаймон эканлигини, зинҳор қайтиб жиноятга қўл урмаслигини изҳор этди. Аммо бу тавбаю тазаррулар қанчалик самимий ёки сохта эканлигини ёлғиз ўзи билади. Жиноят ишлари бўйича Кармана туман суди Ботир Муродовни олти йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Ундан жабрдийдаларга етказилган моддий зарар ундирилдиган бўлди. «Самсунг» уяли телефони ва «Минск» русумли мотоцикль эса жиноят қуролли эканлиги назарда тутилиб, давлат эғалигига ўтказилди.

Азиз ҒАНИЕВ,
катта лейтенант.
Бобомурод ТОШЕВ,
журналист.

Навоий вилояти.

ИИБ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ВОҚЕА ЖОЙИДА УШЛАНДИ

Тошкент шаҳрида яшовчи, муқаддам судланган Ш. Ортиқ Чилонзор тумани худудида Л. Наргизанинг бўйнидаги тилла занжирини юлиб қочди. Аммо у шу ерда хизмат олиб бораётган ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди. Қўнғир йўл билан пул топишни ўзига мақсад қилиб олган бу шахс энди қонун олдида жавоб беради.

ТАЛОНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида номаълум шахс Б. Бобур бошқарувидаги «Дамас» русумли автомашинага йўловчи сифатида ўтирди. Лекин манзилга етиб келганда ҳайдовчини уриб, жароҳат етказди ҳамда ёнидаги пулларини олиб кетди.

Туман ИИБ ходимлари томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида ушбу жиноятни 3. Жасур содир этганлиги аниқланиб, ушланди. 25 ёшида унинг бўйнига «талончи» деган тавқи лаънат осилди.

МАҲАЛЛАДОШЛАР ҚИЛМИШИ

К. Даврон ва О. Эркин ўзаро тил бириктириб, маҳалладошлари Н. Жамолнинг уйдан 6 бош кўйни ўғирлаб кетишди. Бу ҳақда хабар топган Қашқадарё вилояти Нишон тумани ИИБ ходимлари мазкур ҳолат юзасидан қидирув ишларини бошлаб юборишди. Натижа узоқ куттирмади. Ушбу жиноятни содир этган шахслар тезда қўлга олинди.

ЗЎРАВОН МЕҲМОНЛАР

И. Ринат ва Э. Равил Самарқанд шаҳрида яшовчи танишлари М. Сергейнинг уйига меҳмон бўлиб боришди. Кутилмаганда улар мезбонни куч ишлатиш йўли билан қўрқитиб, 80 минг сўм пули ва «Моторола» русумли уяли телефонини олиб кетишди. Ички ишлар ходимлари иззатини билмаган меҳмонларни қўлга олишди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаётганда.

Ё. БОБОЖОНОВ,
лейтенант.

Ўтган ҳафта мобайнида республика-миз худудида 275 маротаба ёнгин содир бўлди. Улар туфайли етказилган моддий зарар миқдори 4 млн. сўмдан ортиқни ташкил қилди. Турили сабабларга кўра юз берган офатларда 18 нафар фуқаро куйиш тан жароҳати олди, 4 нафари ҳаётдан бевақт кўз юмди. Қайд этилган ёнгинлардан 214 млн. сўмдан ортиқ қурилиш моллари, 195 млн. сўмдан зиёд моддий бойликлар қутқариб қолинишига эришилди.

Тошкент шаҳри Миробод туманидаги «Электроаппарат-электрошит» ОАЖ кўшма корхонаси худудида жойлашган механика таъмирлаш цехида ёнгин рўй берди. Бунинг натижасида 150 кв. м. майдондан ортиқ том қурилиш қисми ёниб, зарар кўрди. Ёнгин сабаби ўрганилганда, цехдаги «Сино» русумли музлаткичнинг электр қисмида носозлик бўлгани аниқланди.

Самарқанд вилояти Самарқанд туманида жойлашган «Гулистон ОИЛ Сервис» МЧЖга қарашли автомобилларга суолтирилган газ қуйиш шохобчасида «КамАЗ» русумли автоцистернадан газни тўкишда назоратсиз қолдирилиши оқибатида чақнаш

содир бўлди. Бир неча киши куйиш тан жароҳати олди. 180 кв. метр майдондаги асосий бино, қўшмича хўжалик қурилиш бинолари, автомобиль, экскаватор ҳамда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устаноналари зарар кўрди.

Фарғона вилояти Олтиариқ туманида истикомат қилувчи О. Охуновнинг хонадомида ёнгин келиб чиқди. Унинг 60 кв. метр майдондаги том қурилиш қисми, шифти ва уй жиҳозлари ёниб кетди. Ёнгин хонадондаги носоз электр симларнинг қисқа туташуви натижасида рўй берган, деб тахмин қилинмоқда.

Кўриниб турибдики, оқоридаги ҳодисалар кўп ҳолларда лоқайдлигимиз туфайли келиб чиқмоқда. Шунинг учун хонадон ёки иш жойингизда автомашина доимо техник созликка эришиш, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига мунтазам риоя қилиш, газ ва электр жиҳозлардан фойдаланаётганда ҳушёрликни унутмаслик талаб этилади. Ёш болаларга ёнгин қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтириб бориш зарур. Мабодо ёнгин содир бўлса «01» рақамига қўнғироқ қилишни унутманг.

Улуғбек ВАФОЕВ,
капитан.



ХАБАР ҚИЛАДИ

ХОТИРА ТУРНИРИ

Ватанга хизмат қилиш йўлида жон фидо қилганларни ҳамisha ёдда сақлаш, уларнинг жасоратини хотирлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Зеро, улар кўрсатган мардлик, жасорат унутилмайди.

Республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини

ев (3-отряд), кичик сержант Абдумалик Шукуров (4-отряд), сафдорлар Жаҳонгир Турлиқулов (4-отряд), Алижон Абдурахмонов (5-отряд), Зоҳиджон Мирзокиров

Кўпкураш

(6-отряд)лар шохсупанинг иккинчи погонасидан жой олишди.



қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальонида хизмат вақтида мардларча ҳалок бўлган ички ишлар ходимлари катта сержант Иброҳим Норметов ва сафдор Ихтиёр Ҳакимовларнинг хотирасига бағишлаб кўпкураш мусобақаси ташкил этилди.

Унда ходимлар хизматга оид буйруқ ва меъёрий ҳужжатларни билиш, югуриш, турникда тортилиш, тош кўтариш, қўл жанги, кураш, видеотирда отиш, арқон тортиш турлари бўйича куч синашишди.

Мурасасиз беллашувларга бой бўлган баҳслар якунига кўра голиблар номи аниқланди. Шахсий биринчилик баҳсларида сафдорлар Дилшод Ақромов (2-отряд), Камолиддин Шахрамов (2-отряд), Эркин Хайматов (2-отряд), Адҳам Розиков (3-отряд), Бекзод Шоназаров (6-отряд) голиб деб топилди. Шунингдек, катта сержант Бекмурод Новча-

Умумжамоа ҳисобида иккинчи отряд спортчилари тенгсиз деб топилди, мусобақа голиби бўлишди.

Таъкидлаш жоизки, голиб жамоа ва спортчиларни тақдирлаш маросими чинакам байрам тусини олди. Уни батальон ко-



мандири, подполковник А. Халилов кириш сўзи билан очиб, 2004 йилда АҚШ ва Исроилнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳудудларида содир этилган кўпуривчилик ҳамда террорчилик ҳаракатлари чоғида мардларча ҳалок бўлган ходимлар жасорати бошқаларга ибрат мактаби эканлигини таъкидлади.

Тадбирнинг асосий қисми концерт дастурига уланиб кетди. Ходимлар томонидан Ватанни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар ижро этилди. Айниқса, батальон ходимларининг хизмат вақтида ҳалок бўлган собиқ ҳамкасбларига бағишлаб ёзган шеърлари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Мусобақада совринли ўринларни қўлга киритганлар қимматбаҳо совға ва фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди. Шунингдек, ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари ва портлаш жойида оғир тан жароҳати олиб ногиронлик нафақасига чиққан собиқ ҳамкасблар ҳам батальон раҳбарияти томонидан моддий рағбатлантирилди.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
«Постада» мухбири.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

УМИДЛИ СПОРТЧИЛАРИМИЗ

Капитан Тўлқин Валиевнинг ички ишлар идораларида хизмат қилаётганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо иш самараси йиллар билан эмас, балки зиммадаги вазифани нечоғлик бажариш, масъулият, бурчга садоқат билан ўлчанади. Ўтган қисқа вақт ичида Тўлқин Валиев шахсий таркиб орасида обрў-эътиборга эришди. Айниқса, ота мерос спорт соҳасида унинг эришаётган ютуқлари ҳақида ҳар қанча мақтов сўзлар айтса арзийди.



ХИЗМАТДА ҲАМ, СПОРТДА ҲАМ ФАОЛ

Тўлқин болаликдаёқ спортга қизиқди. Чунки унинг отаси, кураги ерга тегмаган ва дунёга машҳур Алман полвон ўлининг ҳам ота касбини эгаллашини жуда жуда истарди. Шу боисдан уни болаликдан жисмоний тарбия ва спорт билан жиддий шугулланишга ундади. Тўлқин миллий спорт турларидан курашни астойдил қизиқиб ўрганди, мунтазам равишда машғулотларга қатнашиб, маҳоратини ошириб борди. Дастлабки катта мусобақаларнинг бирида номдор полвонлардан бири катта устунлик билан курагини ерга теккизган Тўлқинга олқишлар ёғилганди. Бу эса уни янада руҳлантириб юборди. Шу тариқа спорт ҳаётининг ажралмас қисми, хизмат фаолиятининг асосига айланди.

Тўлқин Валиев дастлаб хизматни спорт йуриқчилигидан бошлади. Кейинроқ эса Термиз тумани ИИБ ЖК ва УЖҚКБ тезкор вакили этиб тайинланди. Айни чоғда вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ тезкор вакили. У хизмат фаолияти давомида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда чинакам мардлик, жасорат намуналарини кўрсатди. Айниқса, уюшган жиноятчилик, коррупция, рэкет ва бошқа турдаги жиноятчиларни ушлаш, уларнинг кирдикорларини фош этишда

Тўлқинга спорт туфайли шаклланган ирода, сабр-бардош, чидам, жисмоний чиниқиш қўл келяпти. У халқаро миқёсдаги мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Бундан икки йил муқаддам Францияда бўлиб ўтган миллий кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентини Гран-при турнирида илк бор голибликни қўлга киритди. Бир оз ўтиб, ушбу мамлакатда ўтказилган халқаро мусобақада самбо кураши бўйича олтин медаль соҳиби бўлди. Ўтган йили эса Италия ва Индонезияда ўтказилган спорт мусобақалари иштирокчиси Тўлқин Валиевнинг маҳорати халқаро ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Қумкураши бўйича Францияда ўтказилган спорт мусобақаларида бронза медали билан қайтган ҳамюртимиз, яқиндагина ниҳоясига етган турнирда Ватанимиз шарафини юксакка кўтариб олтин медаль соҳиби бўлди.

Капитан Тўлқин Валиевга хизматда ҳам, спортда ҳам юксак ютуқлар ҳамроҳ бўлмоқда. У хизмат вазифасини, бурчини қанчалик шараф билан бажарса, спортда ҳам ўз маҳоратини мунтазам ошириб борапти.

Сафарали ОМОНТУРДИЕВ,
«Постада» мухбири.
Сурхондарё вилояти.

ОЗОДАЛИК – СОҒЛИК ГАРОВИ

Маълумки, ҳозирги кунда дунёнинг бир қатор давлатларида А(H1N1) гриппи, геморрагик иситма ва қорин тифи касалликлари бўйича нохуш эпидемик вазият юзага келган. Бизга қўшни бўлган айрим давлатларда ҳам юқумли касалликлар билан боғлиқ мураккаб ҳолат қайд этилмоқда. Республикамиз аҳолиси орасида ушбу юқумли касалликлар бўйича вазият барқарорлиги сақланиб турган бўлса-да, Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликлари томонидан аҳоли орасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Юқумли касалликларни мамлакатимиз ҳудудига четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш борасида Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томони-

дан бир қатор режатадбирлар ишлаб чиқилиб, жойларга ижро учун юборилган ва бу тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши назоратга олинган.

Қорин тифи (ичтерлама) жуда ҳам юқувчан касалликлардан бўлиб, ёз ва куз фаслларида кўп учрайди. Касаллик бемор одамдан бактерия ташувчилардан, ифлосланган сув ва озиқ-овқатлар ҳамда ҳашаротлар (пашшалар, сувараклар) орқали юқади. Очиқ сув ҳавзаларида қорин тифи микроорганизмлари узоқ муддатгача сақланиб қолади, қудуқ, ариқ, сой ва дарёларнинг ифлосланиши натижасида табиий ўчоқларга айланади. Касалликка мойиллик кўпроқ 4 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларда намоён

бўлади, катталарда эса 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган аҳоли орасида кўпроқ учрайди. 35 ёшдан катталарда эса касалликка бўлган мойиллик камайиб боради. Касалликка қарши иммунитет узоқ вақтгача сақланиб қолади, ҳаттоки бир умргача давом этади.

Касалликнинг дастлабки

Саломатлик ўз қўлимизда

белгилари кўрингунча орадан 7-23 кунгача вақт ўтиши мумкин ва бошланиш кунларида одам ланж бўлиб, дармони қурийди, боши оғрийдими ҳамда иштаҳаси пасайиб боради. Бу белгилар кундан-кунга кучайиб, кечқурунлари иситмаси кўтарилиб, яхши ухлай олмайди. Беморнинг тили қурийди, қараш бойлайди, тили қалинлашиб қимирлаши қийин

бўлиб қолади, қорни сал кўпчиб, жигари билан талоғи катталашади. Касалликнинг 2-3 ҳафталарида беморнинг иситмаси ҳамisha бирдек юқори бўлиб, аҳволи оғирлашади, кўпинча алаҳсирайди. Касалликнинг 8-9 кунларида, баъзида эса бир мунча кейинроқ беморнинг кўкрак ва қорин терисида тошмалар пайдо бўлади.

Сабзавот ва ҳўл меваларни истеъмол қилишдан олдин ҳамisha қайнаган сув билан яхшилаб ювиш керак. Чунки бу маҳсулотларга тиф микроорганизми юқиб қолган бўлиши мумкин.

Касаллик қўзғатувчиси физик ва кимёвий таъсирларга анча чидамли, одам организмидан ташқарида узоқ муддат сақланади. Масалан, микроблар

ахлат қутиларида бир ойдан ортиқроқ, сабзавот ва ҳўл меваларда 5-10 кун, сут ва сут маҳсулотларида 35 кунгача, ёғ ва гўштда бир ойдан уч ойгача, оқар сувда 5-10 кунгача, қўлмак сувда тўрт ҳафтагача тирик сақланиши мумкин. Қорин тифи қўзғатувчилари озиқ-овқат маҳсулотларида тирик сақланиб туришидан ташқари кўпаяди ҳам.

Қорин тифининг олдини олишда озодалик муҳим ўрин тутаяди. Шунингдек, шахсий ва умумий гигиенага риоя қилувчилар орасида учрамайди. Шундай экан ҳамма жойда тозалик ва озодаликка қатъий риоя этиш тадбирларини кўрайлик, назоратни бўшаштирмайлик.

З. КОДИРОВ,
ИИБ СЭНБМ
бошлиғи,
подполковник.

ПОЙТАХТИМИЗ ФАВВОРАЛАРИ

Испания элчиси Клавихо Сохибқирон бобомиз Амир Темурнинг Дилкушо богида бўлганида беҳад хайратга тушиб, ўз таассуротларини куйидагича баён этган: “Подшоҳ саройида суви тепага отилиб турган фаввора бўлиб, унда қизил олмалар қалқиб турарди...”

Клавихонинг ажабланганича бор, – дейди Темурийлар тарихи давлат музей директори ўринбосари, тарихчи археолог Ўткир Алимов. XIV-XV асрларда юртимизда урф бўлган фавворалар ҳали Европа халқлари учун нотаниш эди. Қадимий фаввораларни Алишер Навоий асарлари ва “Бобурнома”га ишланган миниатюраларда ҳам кўриш мумкин. Ўз даврида фавворалар ёйсимон, тўртбурчак шаклларда бўлиб, атрофи ва ичи тўқ қизил ҳамда оқ мрамор тошлар билан безатилган. Анвойи гуллар уларга янада кўркамлик бахш этган. Махсус тайёрланган сопол қувурлар орқали келиб, отилиб чиққан сув ҳовузчаларга тушиб, яна ёпиқ ариқлар орқали чиқиб кетган.

Олиб борилган археологик казишмалар натижасида бундай фавворалар Амир Темурнинг Шахрисабздаги Оқсаройида, Самарқанддаги Дилкушо богида ҳамда Бухородаги Ситорайи Моҳи Хоса саройида бўлгани аниқланди. Мураккаб муҳандислик-қурилиш ечими асосида бунёд этиладиган фавворалар ажодларимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, меъморчилик санъати нақадар юксак бўлганлигидан далолатдир.

Халқимизнинг бу борадаги юксак бунёдкорлик салоҳияти бугун ҳам дунё эътиборини тортиб келмоқда. Ўзининг 2200 йиллик қутлуғ тўйига тайёргарлик кўраётган пойтахтимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари бунга мисолдир. Тошкент нафақат қадимий обидалари, кенг ва равон кўчалари, маҳаббатли кўприклари ва муҳташам бинолари, балки гўзал фавворалари билан ҳам минтақамизда етакчи ўринда туради. Шаҳар кўркига-кўрк қўшиб турган юзлаб фавворалар нафақат одамлар баҳри-дилини очишга, балки микроклим яратиб, мўътадил ҳавони таъминлашга хизмат қилади. Фавворалар ҳозирда пойтахтимиздаги истироҳат боғлари, хиёбонлар, жамоат бинолари комплекси, йирик sanoat корхоналари, олий ўқув юртлари, элчихоналар, меҳмонхоналар, мактаблар, шифохоналар ҳудудида ишлаб турибди.

Тошкентдаги дастлабки фаввора 1890 йилда қурилган, – дейди «Шарқ шабода» очик акциядорлик жамияти етакчи мутахассиси Николай Шлупин. – Энг машҳур ва ўша пайтдаги энг катта фаввора эса Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри олдида бунёд этилган. Кейинчалик Бешёғочдаги марказий маданият ва истироҳат богида, 1996-1997 йилларда Темурийлар тарихи давлат музейи ва хиёбониди турли шаклга эга, миллий ва замонавий меъморчилик аъёнларини ўзида мужас-



сам этган кўлаб кўркам фавворалар бунёд этилди. Ҳозир шаҳримиздаги энг йирик ва турли рангларда жилоланадиган фавворалардан бири Мустақиллик майдонида жойлашган бўлиб, узунлиги 88 метр, эни 36 метрни ташкил этади. Унга ўрнатилган 172 та сув пуркагич ва чироқлар етти хил ёғду таратади. Жамоамиз ушбу фаввораларнинг мунтазам ишлашини таъминлаб, уларга техник хизмат кўрсатади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Мустақиллик майдонида амалга оширилган улкан

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдида



бунёдкорлик ишлари натижасида майдон олдидаги фавворалар ҳам бутунлай ўзгача жозиба касб этди. Миллий ва замонавий кўринишдаги бу иншоотдан отилиб чиқади-ган ҳар бир томчи сув атрофга майинлик ва салқинлик бағишлайди. Оқшомлари фавворага ўрнатилган чироқлар шуъласида сув томчилари камалак рангларда жилоланади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, фавворалар бунёд этиш мураккаб муҳандислик лойиҳалари ва юқори технологиялардан фойдаланишни талаб этади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос меъморий қурилма бўлиб, аввало, лаборатория шароитида синовдан ўтказилади. Фавворалар ён атрофга салқинлик таратиб, ҳаво ҳароратини 3-6 даражагача пасайтириши мумкин. Шу боис уни бунёд этиш ишларида ҳар бир жиҳат эътиборга олинади.

Пойтахтимиздаги фавворалар-

нинг кўпчилиги истиқлол йиллари бунёд этилган ёки қайта реконструкция қилинган. Мустақиллик майдонида, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати бинолари олдида, «Туркистон» саройи, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат богида жойлашган фавворалар мафтуркорлиги билан ажралиб туради.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, фавворалар инсон саломатлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Улар дам олувчига ҳузур бахш этиб, чарқоқни чиқариш, кайфиятни кўтариш хусусиятига эга. Ёзнинг иссиқ палласида кишида соя-салқин, баҳаво жойларга бориш, дарё ёки сой қирғоқларига урилиб хайқираётган сув тўқинларини кузатиб ҳордиқ олиш истаги пайдо бўлади. Шаҳарда фавворалар ана шу вазифани бажаради. Қечқурунлари фаввора жилосига тикилиб, ундан баҳра олган одамнинг қон айланиш тизими ва мия фаолияти яхшиланади, асаблари тинчланади.

– Уйимиз яқинида мўъжазгина фаввора бор, – дейди Мавжуда Шоймардонова. – Ҳар куни кечки пайт набираларим билан шу ерда сайр қилиб дам оламиз. Касбим шифокор бўлгани учун тажрибамдан биламанки, шаршара ва фавворалардан отилиб турадиган сув инсон чарқоғини ёзади ва асабни тинчлантиради. Сув бўйида ором олган киши энгил тортиди ва тетиклашади. Шу боис бу жой кўпчилик учун сеvimли масканга айланган.

Бундай фавворалар ҳозир Тошкентнинг ҳар бир гўшасида мавжуд. Шаҳримизни томоша қилган кишини биридан кўркам фавворалар дурлар сочиб қаршилайди. Ҳозиргидек жазирама кунларда уларнинг кадр-қиммати бисёр эканлигини ҳар биримиз дилдан ҳис қиламиз. Сув пуркаб турган фавворалар юртимизнинг тинчлиги, кўнглилар хотиржамлигидан далолатдир. Зеро, тинчлик, хотиржамлик ҳукм сурган юртдагина халқ бунёдкорлик ишларига қодир бўлади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА шарҳловчиси.

ДИҚҚАТ,
ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририятининг «ЭЛУ ЮРТ ПОСБОНЛАРИ – ТИНЧЛИГИМИЗ ҚАЛҚОНЛАРИ» танловига марҳамат!

Азиз ҳамкасблар! 2010 йил 12 май куни ИИВ Бирлашган таҳририятининг «Postda», «На посту» газеталари чиқа бошлаганига 80 йил тўлади. Тарих олдидаги бу қисқа давр ичида сеvimли газеталаримиз шарафли йўлни босиб ўтди. Ходимларимизнинг элу юрт осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш борасидаги шарафли ва гоят масъулиятли фаолиятини халққа етказишда нашрларимизнинг хизматлари бекиёсдир.

Шу боисдан, ушбу қутлуғ сана арафасида, ходимларимизнинг фидокорона хизматларини нашрларимизда тўлақонли ёритиб боришни таъминлаш мақсадида, «Элу юрт посбонлари – тинчлигимиз қалқонлари» танловини ўтказишга қарор қилдик.

Танловда профессионал журналистлар билан бир қаторда, ички ишлар идоралари ходимлари, фахрийлари, жамоатчи мухбирлар ва бошқа хоҳловчилар қатнашишлари мумкин. Танлов ИИВ Бирлашган таҳририятининг «Postda» ва «На посту» газеталарининг 80 йиллик юбилейи арафасида яқунланади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар 2009 йилнинг 20 августидан 2010 йилнинг 5 майгача «Postda» – «На посту» газеталари ва «Қалқон» – «Щит» журналларида чоп этилган бўлиши шарт.

Танловга тақдим этилаётган материаллар (мақола, очерк, репортаж, фотолар ва ҳоказолар) куйидаги мавзуларда бўлиши тавсия этилади:

- истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуслари билан ички ишлар идораларида амалга оширилган ислохотлар ҳамда унинг аҳамияти;
- ходимларимизнинг жамоатчилик билан ҳамкорликда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишлари;
- Президентимизнинг ички ишлар идоралари ходимларига байрам табригида қўйилган устувор вазифаларнинг ижроси;
- профилактика инспекторлари, ППХ ва ЖТСБ, ЙХХБ, ЁХБ ҳамда бошқа хизмат ходимларининг халқ осойишталигини таъминлаш борасидаги фаолияти;
- жиноятчиликка қарши кураш, уларни «иссиқ изида» фош этиш, қидирувдаги жиноятчилар ва бедарак йўқолганларни излаб топиш борасидаги илғор иш услублари ва тажрибалари;
- шахсий таркибни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларга маиший шарт-шароитлар яратиб бериш, фахрийлар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар;
- тергов хизмати ходимларининг самарали ишлари;
- турли хизмат ходимларининг юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги йўлидаги ижобий иш фаолиятлари, эришган ютуқ ва натижалари.

Ижодий иш намуналари билан бирга муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

«Элу юрт посбонлари – тинчлигимиз қалқонлари» танлови ғолиблари ва совриндорларига Фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалар 2010 йил май ойида «Postda» ва «На посту» газеталарининг 80 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар куйидаги манзилга юборилиши лозим: Тошкент шаҳри, Юнус Ражабий кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти.

Телефонлар: 233-61-64, 231-41-09. Факс: 232-05-51. E-mail: urmvd@inbox.uz

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
IIV BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI
MUASSIS:
O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
ICRKI ISHLAR
VAZIRLIGI

Bosh muharrir Zikrillo NE'MATOV

Mas'ul kotib – Rahmatilla BERDIYEV
Navbatchi – Muhabbat IBRAGIMOVA
Sahifalovchi – Zokir BOLTAYEV
Matn ko'chiruvchi – Gulnora SODIQOVA

TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88; Faks: 232-05-51.
E-mail: urmvd@inbox.uz

Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini
ko'rsatish shart.
Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001,
MFO 00421.
«Ipak yo'li» aksiyadorlik
innovatsion tijorat bankining
Mirzo Ulug'bek bo'limi.
INN 200637499.

«O'zbekiston»
nashriyot-matbaa ijodiy
uyi bosmaxonasida
chop etildi. Korxonada
manzili: Alisher Navoiy
ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil
11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma
J-7883. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq.
57644 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00.
Bosishga topshirildi – 23.00.

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.